

## МУСИҚИЙ НАЗАРИЙ ФАНЛАРНИНГ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ (ГАРМОНИЯ ФАНИ МИСОЛИДА)

Ташпўлатова .Г.К

*Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси ХМАЛ нинг мусиқа  
назарияси бўлими бош ўқитувчиси*

**Аннотация.** Мазкур мақолада мусиқий назарий фанларнинг ёш авлоднинг тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти кўриб чиқилади. Мақолада назарий фанларга бўлган эҳтиёж ва бугунги кундаги ўрни гармония фанининг мисолида ёритиб берилди. Гармония фанининг ёш авлод тарбиясига таъсири батафсил баён қилинади.

**Калит сўзлар.** Мусиқий назарий фанлар, гармония, педогогика, фаннинг тарбиявий роли, ёш авлодга таъсири.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается роль и значение музыкально-теоретических наук в воспитании подрастающего поколения. Значение и интерес к теоретическим предметам рассматривается на примере гармонии. Подробно описано влияние предмета гармонии на воспитание подрастающего поколения.

**Ключевые слова.** Музыкально теоретические предметы. Гармония, педагогика, воспитательная функция предмета, влияние подрастающему поколению.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мусиқа оламида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида маданият соҳасини изчил ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги ижобий тажриба ва тенденциялар, ютуқ ва натижаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг тармоғини кенгайтириш, назарий ва амалий билимларни янада мустаҳкамлаш, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, жамият маданий ҳаётининг таркибий қисми сифатида тараққий этиб келаётган мусиқа соҳасининг, шу ўринда мусиқий назарий фанларнинг, хусусан гармония фанининг ҳам шахсни ахлоқан баркамол, маънавий етук қилиб тарбиялашда жуда муҳим ва зарур аҳамиятга эга. Бунинг исботи ўлароқ турли тарихий даврларда таъкидланиб келинган ва кейинчалик ушбу воқеликка нисбатан ижтимоий талаб – эҳтиёжларнинг ортиб бориши - унинг мустақил фан

тарзида шаклланиб, илмий нуқтаи – назардан ўрганилишига олиб келганлигини айтиш мумкин.

Марказий Осиё аллома – олимлари тафаккурида муסיқий назарий фанларнинг педагогик илмлар сирасида илк талқин этилиши эса, шарқ халқлари маданий ҳаётининг юксак чўққиси – Шарқ Уйғониш даврига тўғри келиб, ундаги ижтимоий – сиёсий, мафкуравий тизимда юзага келган маънавий муҳит – бу муҳим ҳодисанинг рўй беришига етарлича шарт - шароит яратиб берган эди.

Муסיқанинг бадиийлик имкониятлари кўп ҳолларда муסיқий ижрочилик, хонандалик ва шу билан бирга назарий фанларнинг пухта эгалланиши билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Шу тўғрисида юнон муסיқа таълимотида муסיқий назарий фанлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, унинг таркибий қисми сифатида ўрганилган ва ҳар бир тарбияланувчи муסיқа назарияси (гармоника, метрика, ритмика) билан бирга муסיқий соз сирларидан (органикадан) хабардор бўлиши шарт ҳисобланган. Ушбу анъана кейинчалик, ўз мазмунини сақлаган ҳолда Марказий Осиё муסיқа илмида ҳам давом эттирилди ва юқорида айтиб ўтилганидек, педагогик фикр намоёндалари тафаккурида муסיқанинг энг муҳим функционал хусусияти – унинг ёш авлод тарбиясига ўрни ва ахамияти ҳисобланиб, педагогик тадқиқотлар предмети сифатида кенг ўрганиб келинишига асос бўлди. Муסיқа соҳасида ҳам ўзининг бир қанча мураккаблигига эга бўлган фанлар мавжуд бўлиб, бунда ўзининг чуқур билимларига эга мутахассислар жонкуярлик билан фаолият юритиб келишмоқда.

Анашундай ўрганиб келинаётган фанлардан бири бу - гармониядир. Бу фан ўқувчи ва изланувчиларга ҳамоҳангликни, идрок этиш қобилитини, ҳамда тўрт овозли муסיқа кесимида ғарб мамлакатлари маданиятини ўрганиш воситаси ҳисобланади. Бу орқали эса ёш авлод дунё қарашининг ўсиши, жаҳон маданиятидан бохабар бўлиши, фикрлаш доирасининг кенгайиши каби ижобий сифатлар юзага келади. Ҳатто-ки, бугунги кунда бошқа соҳа вакиллари ҳам айнан мазкур фандан бохабар бўлишлари керак эканлиги исботланмоқда, бунга мисол қилиб чет давлатларда ( Франция ва АҚШ тажрибасида) самалёт бошқарувчиларининг ишга қабул қилиниш жараёнида айнан гармоник кетма-кетликларни ҳамда И.С.Бахнинг ХТК асаридан парчани ижро қилиш талаб қилинади. (бунга сабаб Гармония фанининг математика фани негизида пайдо бўлганлиги ҳамда аниқ фанлар қаторига киритилишида. Бу орқали диққат ва сезгирлик каби қобилиятлар синалган). Айтилганлардан кўриниб турибдики, мазкур фан инсон

диққатининг жам бўлишига ҳам катта ёрдам беради. Шу каби яна ўнлаб мисолларни келтиришимиз мумкин, бундан келиб чиқадики бу фаннинг инсон ҳаёти давомида начоғлик керак бўлишига, ёш авлоднинг тарбиясининг ўсишига, уларнинг мусиқий дидини юксалиши ҳамда билимларининг ортишига сабаб бўлади.

Шу сабабли юртимизда ҳам бу фанга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Юртимизда мусиқа соҳасидаги туб ўзгаришлар, ёш авлод тарбиясига катта эътибордан далолат беради. Ўзбекистоннинг барча шаҳар, вилоят ва туманларидаги махсус мусиқа мактаблари, коллеж ҳамда лицейларида гармония, солфеджио, мусиқа назарияси каби муҳим ва ўзига яраша мураккаб бўлган фанлар асосий фан сифатида ўргатилиб келинмоқда. Бу эса юртимизда санъат соҳасига ҳамда ёш авлоднинг тарбиясига бўлган катта эътибордан далолат беради.

Шундай қилиб, юқорида айтилган фикрларга хулоса қилар эканмиз, инсоният ҳаётида, унинг камол топиши ва манан юксалишида мусиқанинг ўрни беқиёс. Мусиқа илмининг нозик жихатлари ва сир асноларини туб-тубидан ўрганиш учун эса, албатта мусиқий назарий фанлар, шу жумладан гармония, солфеджи мусиқа асарлари таҳлили каби фанлар катта ёрда беради ва шахснинг маънавий онгини юксалтиради. Бир сўз билан айтганда комил инсон бўлишга катта ёрдам беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1) Асафьев Б. “Музыкальная форма как процесс” Л., 1971г.
- 2) Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2017 йил 4 авг.
- 3) “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони //Халқ сўзи// газетаси. 2017- йил 8-февраль сони.